



Матбуот хабарномаси

Марказий Осиёда барқарор кичик гидроэнергетикани ривожлантириш Европа лойиҳаси

Шоҳимардон дарёси ҳавзаси Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган «Hydro4U (Гидроэнергетика инсон учун)» лойиҳаси эътиборида

2022 йил 21 июнь куни Тошкент шаҳрида *Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган «Hydro4U (Гидроэнергетика инсон учун)» лойиҳасининг* йиллик йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад лойиҳа доирасида ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш ва келгусида бажарилиши лозим бўлган тадбирларни муҳокама қилган ҳолда вазифларни белгилаб олишдан иборат.

Бундан ташқари, тадбир доирасида Шоҳимардон дарёси ҳавзасида “сув ресурслари - озиқ овқат – энергетика - атроф-муҳит” Нексус боғлиқлигини баҳолаш ва манфаатларнинг тармоқлараро ўзаро боғлиқлиги тақсимоти бўйича семинар ҳам ташкил этилди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, мазкур тадбир Яқка Халқаро қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқотлар марказлари маслаҳат гуруҳининг қисми бўлган Халқаро сув ресурсларини бошқариш институтининг (ИВМИ) Ўрта Осиё бўйича ваколатхонаси, Мюнхен Техник Университети, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ҳамда «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети, Ўзбекистон экологик ҳаракати билан Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган «Hydro4U (Гидроэнергетика инсон учун)» лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Лойиҳа доирасида Шоҳимардон анклавига Глобал Хайдро компанияси томонидан ишлаб чиқарилган Francis-Container-Power-Solution технологиясидан фойдаланган ҳолда ўрта қувватли кичик гидроэнергетика турбинаси Кок-су дарёсига ўрнатилади. Натижада умумий қувват 2иMWT (мегаватт) электр энергетикаси ишлаб чиқарилишига эришилади. Бу эса ўз навбатида Шоҳимардоннинг 7 000 га яқин аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини, шу билан бирга туризм соҳасини ривожлантиришга имкон беради.

Тадбирда кичик гидроэлектр станциясини (КГС) ўрнатишда сув, энергия, озиқ-овқат ва атроф-муҳит ўртасидаги Нексус муносабатларини тушуниш муҳимлиги юзасидан манфаатдор томонлар ўзаро муҳокамалар ўтказишди.

Hydro4U лойиҳаси Европа технологияларини Марказий Осиёга мослаштирган ҳолда, экологиква инновацион кичик гидроэнергетикани ўрнатишни намоиш қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлиб, унда самарадорликни пасайтирмаган ҳолда режалаштириш ва қурилиш харажатларини тубдан қисқартиришга қаратилган.



The project has received funding from the European Union's Horizon 2020 research and innovation programme under grant agreement No 101022905.

Семинар давомида билдирилган фикрлар ўрганилиб, атрофлича муҳокама қилган ва маълумотларга таянган ҳолда лойиҳа доирасида 2022-2023 йиллар давомида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Дополнительная информация о Hydro4U:

Сайт: www.hydro4u.eu

LinkedIn: Hydro4U

Твиттер: @Hydro4Uproject

YouTube: Гидро4У

Флаер EN/RU: скачать флаер

Further information on Hydro4U:

Website: www.hydro4u.eu

LinkedIn: [Hydro4U](#)

Twitter: [@Hydro4Uproject](#)

YouTube: [Hydro4U](#)

Flyer EN/RU: download [Flyer](#)



The project has received funding from the European Union's Horizon 2020 research and innovation programme under grant agreement No 101022905.